# Йилнинг энг яхши дарслиги қайси?

**Ҳар йили ўтказиб келинаётган “Йилнинг энг яхши дарслиги” танловида иштирок этадиган дарсликлар қаторида умумий ўрта таълим мактаблари 7-синфлари учун ёзилган зоология дарслиги ҳам бор. Дарслик рус, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик тилларига таржима қилинган.**

Ҳар қандай дарсликдаги маълумот ўқувчи онгига етиб бориб, унда қизиқиш уйғотгандагина билимга айланади. Бунинг учун дарслик ўқувчининг ёши ва тайёргарлик даражасига мос келиши зарур.

Ёш авлод ўрганиши лозим бўлган ахборотлар ҳажми соат сайин ошиб бораётган янги технологиялар даврида кўпчиликка манзур бўлган дарслик яратиш катта педагогик тажриба ва қомусий билимни талаб қиладиган анча мураккаб жараён ҳисобланади. Зоология дарслиги саҳифаларини кўздан кечирар эканмиз, унинг замонавий дарсликларга қўйиладиган талаблар асосида яратилганлигига ишонч ҳосил қиламиз.




Ушбу дарслик содда ва равон тилда ёзилган. Ундаги маълумотлар ўзаро узвий боғланган бўлиб, муайян тизимга солинган. Китобнинг дастлабки қисми ўқувчиларга ҳайвонларнинг тузилиши ва ҳаёт кечиришини ўрганиш учун зарур бўлган умумий тушунчаларни берса, ҳайвонот оламидан келтирилган ажойиботлар, Ўзбекистон ҳайвонот дунёси ва уни ўрганган олимлар тўғрисидаги маълумотлар эса ўқувчиларни зоология фанига қизиқишини янада оширади.

Дарслик тип, синф каби систематик гуруҳлар ўқувчиларга яхши таниш бўлган ҳайвон турлари мисолида ўрганилади. Шунинг учун ҳайвонларга тегишли маълумотларни эслаб қолишда қийинчилик туғдирмайди.

Ўқувчиларнинг ўқув материалларига қизиқишини оширишда кўргазмалилик ҳам катта аҳамиятга эга. Дарсликда бу масалага жиддий эътибор берилган. Унинг муқовасида ҳайвонларнинг асосий гуруҳлари Ер шари фонида тасвирланиши, топшириқларнинг рангли, шартли расмлар орқали берилиши ўқувчилар диққатини ўзига тортади.

Зоология дарсларида бериладиган маълумотлар катта тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Чунки, ўлкамиз ҳайвонот дунёсининг турли-туманлиги, унинг ноёб ва бетакрор турлари, ҳайвонларни тадқиқ қилиш тўғрисидаги билимлар ўқувчиларни табиатга қизиқишини оширади, уларни ўз Ватани ва элига нисбатан меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялайди.

**Эркин ЗАРИПОВ, Коҳира ШОКИРОВА**

Тошкент шаҳри

*Янгиликлар*

## Зиё масканига янги бино

***Хўжайли шаҳрида мактаб-интернат қурилиши поёнига етаяпти.***

Бу ерда қисқа муддатда 180 ўринли ўқув биноси, 50 ўринли ётоқхона, спорт зали, ошхона бинолари бунёд этилди. Бунинг учун 542 миллион сўм маблағ сарфланди. Айни пайтда янги зиё масканида ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

## Ёшлар ишли бўлди

***Қорақалпоғистоннинг туманларида яқинда 3 та меҳнат ярмаркалари ташкил этилди.***

Натижада, амалдаги йилнинг ўтган даврида 29 та меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, 2514 фуқаро иш билан таъминланди. Уларнинг аксарияти ёшлардир. Йил охирига қадар яна 30 та меҳнат ярмаркаларини ташкиллаштириш режалаштирилмоқда.

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ, “Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

*Қорақалпоғистон Республикаси*



# СПОРТ

Теннис

## Балли, Влада!

***Яқинда Таиландда аёллар ўртасида халқаро теннис мусобақаси бўлиб ўтди. Қувонарлиси, ўзбекистонлик ёш ва умидли спортчи Влада Якшибарова мазкур мусобақада биринчи ўринни қўлга киритди.***

Ғолиблик учун у бешта учрашувда кортга чиқди. Дастлаб мезбонлар вакиллари Софией Мулсаб ва Нункнадай Ванасук юртдошимиз олдида бош эгишди. Учинчи босқичда ҳиндистонлик Сану Хамбри таслим этилди. Ярим финалда Хитой спортчиси Чиа Хьянг Лу Владага бас келолмади.

Финалда яна бир ҳиндистонлик теннисчи Ишу Лакхани ҳамюртимизга рақиб бўлди. Биринчи сетни 2:6 ҳисобида имкониятни бой берган Влада кейинги икки сетни ўз фойдасига ҳал қилди – 6:2, 6:3. Шундай қилиб, бош мукофот Владага топшириладиган бўлди.

Бокс

## Маскаев тайёргарликни бошлади

***Профессионал бокснинг энг нуфузли ҳисобланган WBC йўналиши камари соҳиби, россиялик Олег Маскаев нигериялик Сэмюэль Питер билан ўтказиладиган жангга тайёргарликни бошлади.***

Илгарироқ хабар бериб ўтилганидек, мазкур жангнинг шартнома масалалари ҳалиҳануз ниҳоясига етмади. Томонлар бир қарорга келишмаган бўлса-да, учрашув шу йилнинг 6 октябрида ўтказилиши белгилаб қўйилган. Музокараларни четдан кузатиб турган машҳур промоутер Дон Кинг ташкилотчилар сафида ўзини кўришини хоҳлаётганини билдирган. У агар шундай бўлса, томонларнинг тезроқ бир тўхтамга келишини айтиб ўтган.

Бу ерда гап жангнинг мукофот пули ҳақида кетмоқда. Деярли бир ой давомида ташкилотчилар Маскаевга умумий фойданинг 55 фоизини таклиф қилиб келишмоқда. Лекин WBC қонун-қоидаларига кўра, чемпион боксчи 70 фоиз мукофот пулига эгалик қилиши керак.

Эслатиб ўтамиз, россиялик боксчи иккинчи бор ўз камарини даъвогардан ҳимоя қилади.




Ҳозирда Маскаев АҚШнинг Пенсильвания штатида жиддий тарзда машғулотларга киришган.

Футбол

## Юнгберг “Арсенал”дан кетди

***Швеция терма жамоаси сардори Фредрик Юнгберг Лондоннинг “Арсенал”идаги 9 йиллик фаолиятидан сўнг жамоасини ўзгартиришга қарор қилди.***

Истеъдодли футболчи 4,5 миллион эвазига пойтахтнинг бошқа бир жамоаси – “Вест Хэм” сафига бориб қўшилди. Ўтган ҳафта “канонирлар” бош мураббийи Арсен Венгер Юнгбергни жамоада олиб қолмоқчи эканлигини билдирганди. Бироқ швециялик футболчи Тьерри Анрининг изидан бориб, “Эшбертон Гроув”ни тарк этди.




Юнгберг “Арсенал”га 1998 йилда Швециянинг “Хальмстад” жамоасидан ўтганди. Ўшандан бери у Англия чемпионатида “Арсенал” либосида 216 учрашувда майдонга тушиб, 45 та гол муаллифи бўлган.

Ўтган мавсумда у фақат 18 та учрашувда майдонга чиқиб, биронта ҳам гол ура олмади. Бу унинг Лондондаги фаолиятининг дебютини ҳисобга олмаса, энг омадсиз мавсум бўлди.

## “Астана” кейинги босқичда

***Европада футбол бўйича янги мавсум бошланганига кўп бўлмади. “Кўҳна қитъа”нинг энг нуфузли мусобақаси Европа Чемпионлар лигасининг биринчи саралаш босқичи жавоб учрашувлари ўтказилди.***

Энг қизиғи, Қозоғистон УЕФАга қўшилганига салкам 6 йил бўлган эса-да, ҳали бирон-бир жамоаси бу мусобақанинг иккинчи саралаш босқичига йўл олмаган эди. Бу анъанани “Астана” жамоаси давом эттирмади.

Пойтахтликлар Грузиянинг “Олимпи”си билан сафарда 0:0 ҳисобидаги дурангга эришиб қайтгандилар. Жавоб учрашувида эса Қозоғистон чемпиони “Олимпи”га ҳеч қандай имконият қолдирмади – 3:0. Энди “Астана” иккинчи саралаш босқичида Норвегия чемпиони “Русенборг” билан баҳс олиб боради.

**Суннатилла ИСЛОМОВ**

*Бу қизиқ!*

## “Коча” чой ичасизми ёки “Оча” чой?

***Ёзма манбаларда қайд этилишича, чой ичимлик сифатида эрамиздан аввалги 2700 йилда ҳам маълум бўлган. Чой ҳақидаги маълумот Европага биринчи марта 1517 йилда етиб келган.***



Европаликлар ичида чой ҳақида ҳаммадан аввал венецияликлар хабар топганлар. Инглизлар 1598 йилда, португалияликлар эса 1600 йилдан шундай маълумотга эга бўлганлар. Чой ичиш Голландияда 1610 йилдан, Россияда 1613 йилдан, Францияда 1636 йилдан, Англияда 1650 йилдан, Германияда эса 1667 йилдан бошлаб расм бўлган. Чойнинг ватани Хитой ҳисобланади.

Чой ҳақида биринчи китобни милоднинг 780 йилида машҳур Хитой адиби Лу Юй ёзган. “Чацзин” деб номланган бу асарда чой етиштириш, тайёрлаш ва истеъмол қилиш усуллари ҳақида ҳикоя қилинган.

Ўзбекча “чой” ибораси ҳам хитойча “ча” сўзидан келиб чиққан. Чой тайёрлашнинг моҳир усталари саналган японлар унинг “қора”сини “коча”, кўкини эса “оча” деб аташади.

## Антиқа қоғоз

***Дунёдаги энг катта ва юпқа органик дисплей британияликлар томонидан Японияда ўтган XII халқаро кўргазмага тақдим этилди. Мазкур янги ўзига хос қоғознинг қалинлиги 0,4 миллиметр бўлиб, оч кулранг тусга эга эди.***



Асосийси, дунёда ўхшаши йўқ ушбу дисплей ўзининг сифатини йиллар давомида йўқотмайди. Уни худди газета сингари ўраб олса ҳам бўлади. Японияning соат ишлаб чиқарувчи “Китзен” компанияси эса бу қоғоздан фойдаланишнинг антиқа усулини ўйлаб топди. Улар шу қоғоз асосида эгилувчан соат яратишга муваффақ бўлишди.

Мазкур соатнинг узунлиги бир ярим метр бўлиб, у ҳам дисплей каби юпқа ва эгилувчан кўринишга эга экан. Соат оддий “тугмача”ли батарейкаларда ишлаб, камида бир ярим йил хизмат қилади.

**Акбар АЛИЕВ тайёрлади.**

Анжуман

# Муаммо ва ечимлар

## Мунозара мавзуси бўлди

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш фонди томонидан “Босма ва интернет нашрларида медиа-бизнес асосларини шакллантириш масалалари” мавзуида семинар ўтказилди.***

Маълумки, мамлакатимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, ислоҳотларда юз бераётган ўзгаришларни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни каттадир. Ана шундай вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш, мавжуд имкониятлардан фойдалана олиш учун ОАВ иқтисодий жиҳатдан ҳам мустақил ва молиявий барқарор, фойда берувчи бизнес тузилма сифатида шаклланган бўлиши керак. Бугун мамлакат ОАВ бозорида турли бизнес-лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётгани сир эмас. Лекин шу билан бирга, айрим газета, журналлар иқтисодий мураккаб аҳволни бошдан кечирмоқда. Бунинг сабабини аксарият босма ва интернет ОАВ таҳририятларида ҳозирги замон медиа-бизнес юритишнинг асосий талаби бўлган иқтисодий-молиявий, менежментлик стратегияси ишлаб чиқилмагани, маркетинг хизмати йўлга қўйилмагани билан изоҳлаш мумкин.

Худди ана шу муаммоларнинг ечимини топиш учун ўтказилган ушбу тадбирда “Медиа-бизнес юритишнинг ҳуқуқий асослари”, “Медиа-бизнесда менежментнинг замонавий усулларини тадбиқ этиш: муаммо ва ечимлар”, “Босма ва интернет нашрларда маркетинг ва реклама тизимини шакллантириш: назария ва амалиёт”, “Босма ва интернет нашрлар фаолиятига ҳамкорларни жалб этиш ва бунда бизнеснинг ўрни” каби мавзуларда баҳс-мунозаралар ўтказилди.

Тадбир доирасида аҳолини, хорижликларни мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида юз бераётган воқеалар тўғрисида ўз вақтида ахборот билан таъминлаш, мамлакат ҳудудлари ўртасида ахборот айирбошлаш, барча ахборот ресурсларини мувофиқлаштириш орқали ягона ахборот тизимини ташкил этиш, ҳудудлардаги янгиликларнинг ахборот тизимини шакллантириш мақсадида Фонд муассислигида ташкил этилган “Region.uz” ҳафталик газетасининг тақдимоти ўтказилди.

**Барно СУЛТОНОВА**

# “Шарқ табобати” – саломатлик малҳами

***Ўзбекистон Халқ табобати академиясининг илмий-тиббий, маърифий-қомусий журнали “Шарқ табобати”нинг навбатдаги сони нашрдан чиқди. Унда бир қатор олимлар ва катта амалиёт тажрибасига эга бўлган табибларнинг қизиқарли ва, ўз навбатида, саломатлик учун фойдали мақолалари чоп этилган.***

Алихонтўра Соғунийнинг “Айрим аъзоларда юз берадиган жузъий дардлар ҳақида” деб номланувчи мақоласида юрак буруғини даволашда фойдаланиладиган мутлақ беозор, натижаси зиёд бўлувчи содда амаллар, шунингдек изтиробли йўталдан холи қилувчи табиий даволар хусусида маълумотлар келтирилади. Оби ҳаёт ҳисобланмиш сувнинг биз билмаган хислатлари ҳақида “Даволар ҳазинаси” китобидан келтирилган маълумотлар ўқувчини сувнинг инсон саломатлигида тутган ўрни борасида сўз юритилади.




Урушдан тўхтаган юрак яна қандай ура бошлайди? Бу савол ҳар қандай кишини лоқайд қолдирмаслиги турган гап. Инсоннинг ҳаёт-мамоти юрак фаолияти билан шоиста эканлиги барчага маълум. Мақолада фавқулодда юрак тўхтаб қолганида қандай тадбир-амаллар билан инсон ҳаётини сақлаб қолиш мумкинлиги борасида ҳам сўз юритилади. Шунингдек, ушбу сонда ҳозирда умуртқа чуррасси билан озорланган беморларни даволашда аксарият жарроҳлик амали қўлланилаётганидан хабардормиз. Олий тоифали табиб Истам Зарипов умуртқа чурраси дардини тиғсиз халқ табобати амалларидан ўз ўрнида фойдаланган ҳолда фориғ этиш ҳақида маълумотлар келтиради.

Бундан ташқари, муштарийлар журнал саҳифаларида келтирилган шифобахш гиёҳлардан кийик ўти, тоғ райҳонларнинг хосиятлари, типратикан, қизил ва қора ари, бургут каби жониворларнинг шифобахшлик бобида тутган ўрни ҳақидаги қизиқарли маслаҳатлар билан ҳам танишишлари мумкин.

**Маннон НАБИЕВ**

# “Севги хатолари” – талабалар ҳақидаги фильм

***Ўзбек киноси яна бир фильмга бойийдиган бўлди. “Ар-Рашид-Давр” хусусий студияси ва “Ўзбектелефильм” ҳамкорлигида суратга олинган “Севги хатолари” бадиий фильми бошқачароқ йўналишдалиги, яъни талабалар ҳаётига бағишланганлиги билан ажралиб туради.***



Маълумки, талабаликни “Олтин давр”, деб атаймиз. Талабалик бутун ҳаёт мобайнида асқотадиган билим ва кўникмага пухта пойдевор қўйиш баробарида, ўзига хос ҳис-туйғулар, унутилмас хотиралар даври ҳамдир. Фильм бош қаҳрамони – Вакил – талаба йигит. Фильмда унинг ўз курсдоши — Насимага нисбатан соф севгиси, бу йўлда мушкулотларни енгиб ўта олиши ишонарли лавҳаларда тасвирланган. Муҳаббатни шунчаки ҳою-ҳавас деб билган асар қаҳрамонларидан бири эса пировардида қаттиқ адашганлиги, бу севги хатолари кўпчиликнинг азият чекишига сабаб бўлганлиги фильм лавҳаларида очиб берилган.

Ёзувчи Башорат Омонованинг “Қисмат тарозуси ёхуд севги хатолари” қиссаси асосида экранлаштирилган ушбу фильм талабалар учун чинакам янгилик бўлади.

Ўзбек киносининг машҳур актёрларидан Исамат Эргашев бадиий раҳбарлигида суратга олинган фильмда бош ролларни Бойир Холмирзаев, Марям Ихтиёрова, Хосият Ҳусанова, Фарҳод Худойбердиев каби қатор санъаткорлар ҳамда санъат олийгоҳининг бир гуруҳ талабалари ижро этишган. Шунингдек, Исамат Эргашев ҳам бош ролларнинг бирида ўйнаган.

Айни кунларда ушбу фильмнинг монтаж ишлари устида иш олиб борилмоқда. Катта экранларда намойиши сентябрь ойида, яъни янги ўқув йили бошланишига режалаштирилган.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ**




ХАБАР

## Хайрия тадбири

***Кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, эҳтиёжманд оилаларга кўмак бериш ҳамиша элимизнинг улуғ фазилати саналган.***

Вилоят ички ишлар бошқармаси мажлислар залида таниқли санъаткор А.Муллахонов раҳбарлигидаги бир гуруҳ республика хонандаларининг хайрия концерти бўлиб ўтди. Концертдан тушган маблағнинг бир қисми юрт осойишталигини сақлашда ҳалок бўлган ички ишлар ходимлари оилаларига ва кексалик гаштини сураётган милиция фахрийларига ажратилди.

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ, “Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

Сурхондарё вилояти

Республика Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази жамоаси етакчи мутахассис Мухтор Хиббимовга, акаси **Акром ХИББИМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АҲМАД, Ўктам БАРНОЕВ, Ағитай АДИЛОВ, Ўткир РАҲМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Фахриддин КАЛОНОВ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона - 136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04. Факс - 133-44-43, 133-09-93.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган – 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-765-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
Ⓣ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Газета сешанба, пайшанба (“Ҳаёт”-илова), жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-617, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
E-mail: kishlokhayoti@mail.ru
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.30
Адади - 13752
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 5 6